

Мўминлар жаннатда Аллоҳни кўрадиларми?



11:00 / 27.06.2020 4919

Аллоҳ таолонинг бандаларига берган неъматлари беҳисобдир. Аллоҳ таоло мўминларни бу дунёни ўзида ҳам энг улуғ неъматлардан бўлган Ислом неъматлари ҳамда Қуръони Карим билан муқаррам қилди. Охирада эса, жаннатдаги энг улуғ неъматини беришга ваъда қилди. У ҳам бўлса мўминлар жаннатда Аллоҳ таолонинг жамолига мушарраф бўлишидир. Аллоҳ таоло Қуръони Каримнинг Қиёмат сурасида шундай марҳамат қилади:

﴿رَضَّانٍ ذُنُوبًا وَّهُمْ فِيهَا﴾

У Кунда яшнар юзлар бор...

﴿رَضَّانٍ ذُنُوبًا وَّهُمْ فِيهَا﴾

Роббига назар солувчилар. (Қиёмат сураси, 22-23-оятлар).

Уни фақат тажовузкор ва сергуноҳгина ёлғонга чиқарур. (Мутоффифун сураси, 12-оят).

﴿نِيْلٌ وَّأَلٌ رِيْطٌ أَسْأَلُ لِقَآءِ نُتَآيَآءِ يَوْمَ لَقَآءِ نَارِ لَقَآءِ﴾

Қачон унга оятларимиз тиловат қилинса, «Аввалгиларнинг афсоналари», – дер. (Мутоффифун сураси, 13-оят).

﴿نُؤْبِسُكَ يَآؤُنَآكَ أَمْ مَوْبُؤُلُقِ يَوْمَ نَارِ لَقَآءِ﴾

Йўқ! Уларнинг қилган касблари қалбларига моғор бўлиб ўрнашиб қолгандир. (Мутоффифун сураси, 14-оят).

﴿نُؤْبُؤُحُحٌ مَّذِئْمَةٌ مَّوِيٍّ مَّوَبَّرٌ نَعْمٌ إِنَّ لَكَ﴾

Йўқ!!! Албатта, улар ўша кунда ўз Роббларидан тўсилганлардир. (Мутоффифун сураси, 16-оят).

Аллоҳ таоло барчаларимизни бу дунёда яхши амаллар қилиб, охирада нажот топган бандалар қаторида қилсин ҳамда Ўзининг жамолини кўриш лаззатидан баҳраманд айласин!

Манбалар асосида Андижон шаҳар «Чинор» жоме масжиди имом хатиби А. Мўминов тайёрлади.